

## ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ПРОФИЛАКТИКАСИННИГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Хўжаназарова Мақсада Муҳаммадевна  
*IV Академияси мустақил изланувчи*

**Аннотация:** Мазкур мақолада хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хуқуқий ислоҳотлар ва демографик ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўрганиш зарурати вужудга келганлиги боис, жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларга мувофиқ таҳлил қилинган. Шунингдек, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, замонавий шакл ва усуllibарини ишлаб чиқиш ҳамда қўллашга доир фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Жиноятчилик, хотин-қизлар жиноятчилиги, профилактика, хуқуқбузарликлар профилактикаси, умумий профилактика, “Фуқаробай”, “Оиласбай” ва “Маҳаллабай”, якка тартибдаги профилактика, хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси, хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоларни бугунги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-хуқуқий ислоҳотлар ва демографик ўзгаришларни ҳисобга олиб, ўрганиш зарурати вужудга келганлиги боис, жамиятда содир бўлаётган ҳодисаларни ҳам таҳлил қилишга тўғри келади.

Шу боисдан ҳам хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, замонавий шакл ва усуllibарини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш муҳим аҳамият касб этади.

Тиббиётда касалликка қарши курашгандан кўра, унинг олдини олиш асосий вазифа этиб белгиланганидек, криминологияда ҳам жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олишнинг маъқул-лиги умумэътироф этилган. Шунга кўра, жиноятларнинг профилактикаси – унга қарши кураш соҳасида энг муҳим, самарали ва инсон-парвар йўналишлардан биридир<sup>20</sup>.

С.Б. Хўжақулов тадқиқотларида “Хуқуқбузарликлар профилактикаси” – “хуқуқбузарликлар” ва “профилактика” тушунчаларининг бирикмасидан ташкил топган бўлиб, ушбу тушунчалар илмий баҳс-мунозара предмети бўлиб келмоқда<sup>21</sup> - деб таъкидлаб ўтган.

<sup>20</sup> Исаев И. Криминология. Умумий кисм: ИИВ олий таълим мұассасасы-лари учун дарслік / И. Исаев, К. Р. Абдурасурова, И. Ю. Фазилов; Масъул мухаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б. Б. 189.

<sup>21</sup> Хўжақулов С. Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул мухаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 11 б.

Фикримизча “хуқуқбузарликлар” ва “профилактикаси” тушунчалари эмас, ушбу сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб, уларнинг бирикмаси ўз навбатида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тушунчасини беради.

“Академиклар энциклопедияси ва изоҳли луғати” (<https://dic.academic.ru>) сайтида келтирилган маълумотларга асосланиб айтиш мумкинки, “профилактика” тушунчаси грекча “prophylaktikos” сўзидан олинган бўлиб, ўзбек тилига айнан таржима қилингандан “сақлаш, эҳтиёт қилиш” (предохранительный) маъносини беради. “Профилактика” тушунчасига “олдини олиш, эҳтиёт чораси(ни) кўриш, олдиндан бартараф қилиш” (предотвращение), “хабардор қилиб қўйиш, огоҳлантириш, олдини олиш” (предупреждение), “сақлаш, эҳтиёт қилиш” (предохранение) сўзлари синоним сўзлар ҳисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ушбу тушунчага “одамлар соғлиғини сақлаш, касалликларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиб кетмаслигининг олдини олиш, аҳолининг жисмоний ривожланишини яхшилаш ва узоқ умр кўришини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи” мазмунида изоҳ берилган. “Профилактика” том маънода эса, “умуман, бирор ҳодисанинг олдини олиш, механизм, машиналарнинг муддатидан олдин ишдан чиқиши, бузилишидан сақлаш учун кўриладиган чоралар”<sup>22</sup> тариқасида тушунилади.

С.Б.Хўжақуловнинг фикрича “профилактика” фақат оқибатни эмас, балки “сабаб ва шароит”нинг ҳам олдини олишни қамраб олади<sup>23</sup>.

Кўриниб турибдики, «жиноятчиликка қарши кураш» юқорида келтирилган бошқа атамаларга нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, у давлат, жамоатчилик томонидан жамият манфаатларини жиноий тажовузлардан муҳофаза қилишга қаратилган барча чора-тадбирларни қамраб олади. Бу тушунчага жиноят қонунини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, унинг амалда қўлланилишидан жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш натижаларини мустаҳкамлашга қадар бўлган барча чора-тадбирлар йиғиндиси киради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирлари ҳажми, қандай мақсадга йўналтирилганлиги ёки қайси бирининг бирламчи эканлиги, яъни бири бошқасининг келиб чиқишини тақозо этиши билан фарқланади. Аммо уларнинг барчаси ижтимоий моҳияти бўйича бирдек зарур ҳисобланди. Уларнинг бири иккинчисидан устунлик қилмайди ва умумий мақсадга – жамиятда хуқуқтартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, хуқуқбузарликларни “жиловлаш”га хизмат қиласи. Бироқ ушбу мақсадга эришиш учун хуқуқбузарликлар профилактикасининг йўналишлари, турлари ва чора-тадбирларини илмий ва амалий аҳамиятини инобатга олган ҳолда реал, объектив, мантиқий асосга эга мезонлар асосида таснифлаш талаб этади. Бу эса

<sup>22</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. Ш. Н-Тартибли / Тахрир ҳайъати: Т.Мирзаев (рахбар) ва бошк. Ўз. Рес. Ф.А Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 316-б.

<sup>23</sup> Хўжақулов С. Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомил-лаштириш: Монография / Масъул мухаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 14 б.

хуқуқбузарликлар профилактикасининг турлари ва чора-тадбирларини ўз ўрнида қўллаш ҳамда хуқуқбузарликлар профилактикасининг мазмун ва моҳиятини чуқур англаш ҳамда профилактик чора-тадбирларнинг манзилли йўналтирилишини таъминлайди.

С.Б. Хўжакулов, хуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчасининг таҳлили ушбу соҳага доир фаолиятнинг кенг қамровли эканлиги ҳақида хulosага келган. У фаолиятнинг кенг қамровлилиги ушбу фаолиятни муайян йўналишлар бўйича ихтисослашувини, турланишини тақозо этади<sup>24</sup> деб ҳисоблайди.

Фикримизча ҳам хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этиш жараёнида хуқуқбузарликлар профилактикасининг чора-тадбирларини “таъсир қўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш” принципига қатъий амал қилган ҳолда амалга ошириш фаолияти деб ҳисоблаш мумкин.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилигини профилактикасини ташкил этишда ҳамкорликда амалга ошириладиган тадбирлар муҳим аҳамият касб этади. Бунда асосий чора-тадбирлар маҳалла кесисмида амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Албатта ушбу йўналишдаги ҳамкорлик масалаларига кейинги боб ва параграфларда алоҳида тўхталамиз. Шу боисдан мазкур параграфда асосий эътибони хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикаси ташкил этишдаги муаммолар ва уларнинг ечимларига қаратишимиз мақсадга мувофиқдир.

М.Ж.Эшназаров тадқиқотларида профилактика объектлари ҳисобланган ғайриижтимоий хулқ-атворли шахслар борасида “назаримизда, хуқуқбузарликларнинг умумий ва якка тартибдаги профилактикаси профилактик таъсир қўрсатиш чора-тадбирларининг хусусияти бўйича эмас, балки профилактик таъсир қўрсатиш чора-тадбирлари йўналтирилган шахслар доирасига кўра турларга ажратилиши лозим”<sup>25</sup>, - деб таъкидлаб ўтган.

Юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасида самарали бўлган тур ва уларнинг чора-тадбирларини аниқлаб олиш, жиноят содир этган хотин-қизларнинг ёш, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, оиласвий аҳволи ва шунга ўхшаш бошқа хусусиятларини инобатга олган ҳолда хуқуқбузарликларнинг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўлланилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларни жиноят содир этишига ундовчи яна бир сабаблардан бири уларга ноҳақликлар, тазиқ ва зўравонликлар қилиниши ҳисобанади. Бундай вазиятларда улар томонидан аксарият қотиллик

<sup>24</sup> Хўжакулов С.Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т., 2018, – Б. 39.

<sup>25</sup> М.Ж. Эшназаров. Хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида) мавзусидаги 12.00.14 – Хуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфисизлигини таъминлаш. Пробация фаолияти Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация матни. 19 б.

жиноятлари содир этилган, яъни ўзларига бўлган ноҳақликлар учун ўч олиш мақсадида жиноятга қўл урганлар.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг умумий профилактикасини ташкил этиш жараёнида ҳам айнан қонунда белгилаб берилган чора-тадбирлар қўллашда самарали шакл ва усуллардан фойдаланиш лозим.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини унда иштирок этувчи органлар ва муассасалар ҳам амалга оширишлари мумкинлигини кўриш мумкин.

М.З.Зиёдуллаев ҳам тадқиқотларида “Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолият бўлиб, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар томонидан амалга оширилса, умумий профилактика уни бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар билан бирга ушбу жараёнда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар томонидан ҳам олиб борилиши мумкин”<sup>26</sup>- деб таъкидлаб ўтган.

Фикримизча, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этишда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидан унумли фойдаланиш ва бу жараёнга барча масъул ташкилотлар, жамоатчилик тузилмалари ҳамкорликдаги фаолиятини йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси маҳаллалар кесимида жиноятларнинг олдини олишнинг мутлақо янги тизими “Фуқаробай”, “Оилабай” ва “Маҳаллабай” ишлаш тизими жорий этилиб, секторлар кесимида “Темир дафтар”, “Хотин-қизлар дафтари”, “Ёшлилар дафтари” юритилиши йўлга кўйилди, маҳалла дунёдаги давлат бошқаруви соҳасида чинакам халқчил, давлатимизнинг бетакрор шаклдаги ўзига хос миллий характерга эга бўлган ноёб тузилмаси эканлиги эътироф этилди<sup>27</sup>.

Жумладан мазкур тизимда ишлаш жараёнида 2022 йил давомида республика бўйича 594.996 та ёрдамга мухтоҷ бўлган оиласалар аниқланиб “Темир дафтар”га киритилди ҳамда 641.456 меҳнатга лаёқатсиз ишсизларга ижтимоий ёрдам қўрсатилган. 433,108 та “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларга турли ижтимоий ёрдамлар қўрсатилди<sup>28</sup>.

Ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айrim турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг

<sup>26</sup> М.З. Зиёдуллаев. Ички ишлар органларнинг таянч пунктларини бошқаришин такомиллаштириш мавзусида 12.00.02 – Конституциявий ҳуқук. Маъмурий ҳуқук. Молия ва божхона ҳуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 102 б.

<sup>27</sup> Абдуллаев Б.Т. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари / Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг долзарб муаммолари: назария, амалийт ва конунчилик таҳлили: Республика илмий-амалий конференция материаллари (2022 йил 31 марта) / Масъуль муҳаррир: ю.ф.д., проф. Қ.Р. Абдурасолова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022. – 478 б. Б. 30.

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД – ХПХнинг 2022 йил давомида республика миқёсида хотин-қизлар жиноятчилигини олдини олиш борасида Секторлар билан ҳамкорликда амалга оширилган ишлар ҳақидаги маълумотнома.

сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган маҳсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти бўлиб, уни амалга ошириш учун айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг қўпайиши; жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши асос бўлади<sup>29</sup>.

Хуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси оид фикрлар тадқиқотчилар томонидан билдириб ўтилган бўлсада, аммо аскарияти маҳсус профилактикани бошқа турдаги профилактиканинг таркибиға киришини билдириб ўтган.

Глушко Д.М. қотиллик ва инсон саломатлигига зарар етказишнинг виктимологик профилактикасини тадқиқ этганда масалага нисбатан кенгроқ ёндашади ва виктимологик олдини олишни нафақат умумий ва маҳсус криминологик, балки индивидуал даражада ҳам кўриб чиқсан<sup>30</sup>.

Фикримизча қонунчигимида маҳсус профилактика алоҳида тур сифатида келтириб ўтилганлиги боис, унинг виктимологик профилактикага умуман алоқаси йўқ деб ҳисоблаймиз, чунки, ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактиканинг обьекти жабрланувчи шахслар эмас балки асосан ҳуқуқбузар шахсларга ёки ҳуқуқбузарликлар ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча ҳуқуқбузарликлар профилактиканинг маҳсус профилактикасини ташкил этишнинг ҳуқуқий механизми аниқ белгилаб берилмаганлиги боис, хотин-қизлар жиноятчилигининг маҳсус профилактиканини ташкил этишда ҳам муайян қийинчиликлар мавжуд, бўлиб уларни қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

- 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда хотин-қизлар жиноятчилигининг маҳсус профилактикаси белгилаб берилмаган;
- 2) хотин-қизлар жиноятчилигининг маҳсус профилактиканинг чоратадбирлари номланмаган, натижада эса уларни ташкил этиш механизми мавжуд эмас;
- 3) хотин-қизларнинг содир этган жиноятларига қараб маҳсус профилактик тадбирлар ишлаб чиқилмаган, шу жумладан уларнинг маҳсус режалари ва буйруқлари қабул қилинмаган.

Хотин-қизлар жиноятчилигининг маҳсус профилактикасини ташкил этишда унинг юқори самарадорлигига эришишнинг муҳим жиҳати улар билан кўпроқ ҳуқуқий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган профилактик тадбирларни ташкил этиш лозим.

<sup>29</sup> Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул мухаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 114 б.

<sup>30</sup> Галушко Д.М. Виктимологическая профилактика преступлений, совершаемых в отношении сотрудников органов внутренних дел: диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2003. – С. 149 (URL: <https://www.dissercat.com/content/yuvenalnaya-viktimologiya-kriminologicheskie-i-sotsialno-psikhologicheskie-problemy> (20.05.2021й.да мурожаат қилинган).

Қ.Р. Абдурасурова эса “иқтисодиёт соҳасида жиноятларнинг олдини олиш”га ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисми сифатида қараб, ҳуқуқбузар шахсини тузатиш ва жиноятлар содир этилишига имкон яратувчи ҳолатларга барҳам беришга қаратилган иқтисодий, ташкилий-ишлаб чиқариш, техник, ҳуқуқий, тарбиявий чоралар тизимини амалга оширишни назарда тутишини эътироф этади<sup>31</sup>.

Бизнинг фикримизча ҳам нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки хотин-қизлар жиноятчилигининг маҳсус профилактикасини амалга ошириш жараёнида ҳам уларнинг жиноят содир этишига олиб келган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш, шунингдек жиноят содир этган хотин-қизлар ҳуқуқий ва маънавий тарбиялаш чораларига кўпроқ эътибор қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

О.А. Петрянинанинг таъкидлашича, фоҳишалик билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш кўп поғонали тавсифга эга бўлиб, у ҳам умумий ва ҳам маҳсус олдини олиш чораларини ўз ичига олади<sup>32</sup>. Р.А. Арсланбекова ҳам шу каби ёндашувга эга<sup>33</sup>.

Бизнинг фикримизча хотин-қизлар жиноятчилиги маҳсус профилактикасида ҳам индивидуал ёндошган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

М.Ж.Эшназаров профилактик чора-тадбирлар – профилактиканинг умумий ёки якка тартибдаги профилактикамага мансублигини ифодаласа, маҳсус профилактик чора-тадбирлар – айнан нисбатан қўпайган муайян ҳуқуқбузарлик тури ёки йўналиши, ғайриижтимоий хулқ-атвор кўринишининг сабаб ва шарт-шароитини, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манбаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларни бартараф этиш, ҳуқуқбузар, ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи шахс ёки шундай шахслар тоифаларига профилактик таъсир кўрсатишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини ифодалайди<sup>34</sup> деб фикр билдирган.

Бизнингча ҳам хотин-қизлар жиноятчилигининг ёки бу тоифадаги шахсларнинг қўпайиши улар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини амалга оширилишини тақазо этади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси – ҳуқуқ-бузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишига мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти бўлиб, қуйидаги чора-тадбирлардан иборат:

<sup>31</sup> Абдурасурова Қ.Р. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ва профилактикаси // Криминология. Маҳсус қисм: Дарслик / Муаллифлар жамоаси.-Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - Б. 234.

<sup>32</sup> Петрянина О.А. Проституция как сфера теневой экономики: уголовно-правовой анализ, квалификация, причины и предупреждение: автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Нижний Новгород, 2013. – 12 с. (– 30 с.)

<sup>33</sup> Арсланбекова Р.А. Вовлечение в занятие проституцией и организация занятия проституцией: Уголовно-правовые и криминологические проблемы: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – М., 2004. // URL: <https://www.dissertat.com/content/vovlechenie-v-zanyatiye-prostitutsiiei-i-organizatsiya-zanyatiya-prostitutsiiei-ugolovno-pravov> (20.05.2021.да мурожаат килинган).

<sup>34</sup> М.Ж. Эшназаров. Ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида) мавзусида 12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Пробация фаолияти ихтисослиги бўйича Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация матни., 25 б.

- профилактик сұхбат;
- расмий огоҳлантириш;
- хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берәётган шартшароитлар түғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат<sup>35</sup>.

Хуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворидан, унинг хуқуқбузарлик содир этишга мойиллигидан ёхуд у хуқуқбузарлик содир этганлигидан далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Хуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади.

Демак якка тартибдаги профилактика – фуқароларни тарбиялаш тизимининг элементларидан бири бўлиб, инсон ғайриижтимоий хулқнинг энг охирги даражасигача этишига, яъни жиноят қонуни билан тақиқланган қилмишларни содир этишга йўл қўймаслиқдан иборат чекланган вазифани ҳал қиласди.

Хуқуқбузарликлар якка тартибдаги профилактикаси обьектларига (ғайриижтимоий хулқ-атворли, хуқуқбузарлик содир этишга мойил ва хуқуқбузарлар) самарали тарзда профилактик таъсир кўрсатища индивидуал ёндошувни талаб этади.

Шу боисдан, хуқуқбузарликлар якка тартибда профилактикасини амалга оширишда шахсларнинг ижтимоий-демографик (ёши, жинси, оилавий аҳволи, қасби, маълумоти, яшаш ва ўқиш жойлари кабилар), маънавий-руҳий (эҳтиёжи, қизиқиши, ижтимоий жараёнларга, умуминсоний ва миллий қадриятларга, меҳнатга, ўқиш ва ишга, ён-атрофидагиларга бўлган муносабати, дунёқарashi, темперамент ва характери кабилар) ва биофизиологик (жисмонан ва руҳан соғлиғи, генетик хусусиятлари, жисмоний тузилиши, жисмоний ва руҳий имкониятлари, ёш даврига хос биофизиологик белгилари кабилар) хусусиятларини инобатга олган ҳолда унинг чора-тадбирларини қўллаш лозим.

Таъкидлаш лозимки, хотин-қизлар жиноятчилиги профилактикасини ташкил этишда хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини амалга ошириш керакми деган савол туғилади. Аммо, айрим вазиятларда тазиик ва зўравонликка учраган, жиноятлардан жабрланган хотин-қизлар томонидан жиноят содир этилганлигини кузатиш мумкин.

Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси – хуқуқбузар-ликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарлиқдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга

<sup>35</sup> Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошк. Масъул мухаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 115 б.

қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолияти бўлиб, бир қатор чора-тадбирларни ўз ичига олади<sup>36</sup>.

Дарҳақиқат, тадқиқот ишимизда хотин-қизлар жиноятлари профилактикасини ташкил этишда виктимологик жиҳатларини ўрганиш ва таҳдил қилиш лозимми деган саволга жавоб топишимиз керак. Бунда хотин-қизлар томонидан содир этган жиноятларнинг жабрланувчиларини ўрганишимиз лозим бўлади.

Тадқиқотимиз жараёнида статистик маълумотлардан шу маълум бўлдики, хотин-қизлар жиноятларининг жабрланувчиларининг 31,7 фоизини эркак жинсидагилар, 49,2 фоизини хотин-қизлар, 11,1 фоизини вояга етмаган қизлар ва 8 фоизини вояга етмаган ўғил болалар ташкил қилган.

Хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 28,5 фоизи оила турмуш муносабатлари доирасида содир этилган бўлса, охирги вақтларда жамоат тартибиға қаратилган жиноятлар 8,4 фоизни ташкил қилган.

Бундан кўриниб турибдики, хотин-қизлар томонидан содир этилган жиноятлар мазмун доираси ҳам жамият ҳаётидаги ижтимоий муносабатларни қамраб олиш доираси ҳам кенгайиб бормоқда. Шу сабабли ҳам аёллар жиноятчилигига оид ҳеч бир ҳолатни назардан четда қолдирмаслик ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирларини янада такомиллаштириш лозим.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Исмаилов И. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассаса-лари учун дарслик / И. Исмаилов, Қ. Р. Абдурасулова, И. Ю. Фазилов; Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 272 б. Б. 189.
2. Хўжақулов С. Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш: Монография / Масъул муҳаррир ю.ф.д., доц. И.Ю. Фазилов.- Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. - 11 б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. III. Н-Тартибли / Тахрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – 316-б.
4. М.З. Зиёдуллаев. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш мавзусида 12.00.02 – Конституциявий хуқуқ. Маъмурий хуқуқ. Молия ва божхона хуқуқи ихтисослиги бўйича юридик фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация матни. 102 б.
5. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул

<sup>36</sup> Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 115 б.

муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 115 б.

6. М.Ж. Эшназаров. Ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари фаолияти мисолида) мавзусида 12.00.14 – Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси. Жамоат хавфсизлигини таъминлаш. Пробация фаолияти ихтисослиги бўйича Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация матни., 25 б.

7. Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 115 б.